

**“GREAT FOURS”  
MAS’ULIYATI CHEKLANGAN  
JAMIYATI  
AUDITORLIK  
TASHKILOTI**



**“GREAT FOOURS”  
АУДИТОРСКАЯ  
ОРГАНИЗАЦИЯ В ФОРМЕ  
ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ  
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ**

100015 г. Ташкент, М. Улугбекский район, ул. Саёхат, туп, дом 2. тел: +99893-570-19-50, +99898-570-19-50. Email: greatfours@mail.ru  
р/с 20208000605476519001 АКБ Хамкорбанк Авиастроительный филиал, МФО 01008. ИНН 309177255.

## МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**«ESKI-JUVA DEHKON BOZORI» АЖ  
(СТИР: 201837960)**

*Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани Бозор майдони 28 уй.*

**Молиявий ҳисобот аудит натижалари бўйича хулоса.**

**Ижобий фикр.**

Биз «ESKI-JUVA DEHKON BOZORI» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган “Бухгалтерия баланси - Ф1” ҳисоботи кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида “Молиявий натижалар – Ф2” тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар «ESKI-JUVA DEHKON BOZORI» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий ҳолатини ва молиявий натижаларини барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги конуни ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ тўғри акс эттирилган.

### Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг ҳалқаро стандартлари(АХС) га мувоқиф аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимida батафсил ёритилган. Биз компаниядан мустақил равишда Бухгалтерлар учун ҳалқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профиссионал бухгалтерлар учун ахлоқ Кодекси” талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли конун хужжатларига, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексда белгиланган бошқа маҷбуриятларни бажарганимиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

### Аудитнинг муҳим масалалари.

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиқкан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган.

### Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги.

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги конуни ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузуб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан кабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган аҳборотларни ошкор этиш ва фаолият

узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тутгатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпаратив бошқарув учун масъуль шахслар корхонанинг молиявий хисоботларини тайёрлашни назорат килиш учун жавобгардир.

**Молиявий хисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги.**

Бизнинг мақсадимиз молиявий хисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч хосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хуносасида аке этириш. Ақли ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХСларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниклай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий хисоботдан фойдаланувчилар иктисодий қарорларига таъсир килиши мумкин бўлса, мухим хисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофик аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомидаги профессионал мурохаза юритамиз ва профессионал скептицизмни кўллаймиз. Бундан ташкири билан кўйидагиларни бажарамиз:

- ✓ фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниклаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чикамиз ва баҳарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат киладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик риски хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик рискидан юқори, чунки фирибгар соҳталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи хатти-харакатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
  - ✓ корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳақконий тақдим этиши билан боғлик бўлган ички назорат тизимини кўриб чикади;
  - ✓ кўулланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаданишини баҳолани;

Бухгалтерия хисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом этитириш кобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ мухим ноаникликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши массадга мувофиқлиги тўғрисида хulosса қиласиз. Агар биз мухим ноаникликлар мавжуд деган хulosага келсан, аудит хисоботида молиявий хисоботдаги ноаникликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаникликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хulosамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсири этиши мумкин.

Биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор килинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпаратив башкарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аникланған мұхим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аникланған ички назоратдаги хар кандай камчиликлар түгристерде мүлоқот киламиз.

Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустакиллигига тегишиلى барча ахлоқий талабларга риоя килинганлиги тўгрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустакиллигига таъсир килиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўгрисида хабар берамиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий хисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниклаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит хисоботимизда еритамиз.

## **МЧЖ шаклидаги «GREAT FOURS» Аудиторлик ташкилоти раҳбари:**



*Мадрахимов* Л.А.Мадрахимов

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Саёҳон биркӯчаси 2 уй.

10 марта 2023 года